

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВА НАРГИС СУННАТ ҚИЗИ**

**ЭКОЛОГИК ЖУРНАЛИСТИКА ЎЗБЕКИСТОН СИЁСАТИДА:  
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ  
АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)  
Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor (DSc) on  
philological sciences**

**Қосимова Наргис Суннат қизи**

Экологик журналистика Ўзбекистон сиёсатида: ривожланиш тенденциялари  
ва ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш усуллари.....5

**Қосимова Наргис Суннат қизи**

Экологическая журналистика в политике Узбекистана: тенденции развития и  
методы взаимного сотрудничества.....37

**Kosimova Nargis Sunnat kizi**

Environmental journalism in Uzbekistan: development trends and methods of  
mutual cooperation.....71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....84

**ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТИКА ВА ОММАВИЙ  
КОММУНИКАЦИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Fil.14.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОСИМОВА НАРГИС СУННАТ ҚИЗИ**

**Экологик журналистика Ўзбекистон сиёсатида: ривожланиш  
тенденциялари ва ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш усуллари**

**10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)  
Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSe.Fil.302 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.uzjoku.uz](http://www.uzjoku.uz)) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Мўминова Патима Иззатуллаевна**  
Филология фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Худойқулов Мухтор**  
Филология фанлари доктори, профессор

**Маматова Якутхон Мухаммаджоновна**  
Филология фанлари доктори, доцент

**Сангинов Саидрасул Саидакбарович**  
Фалсафа фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.30/30.12.2019.Fil.14.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат «\_\_» \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06; e-mail: [journalism.univer@gmail.com](mailto:journalism.univer@gmail.com)).

Диссертация билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (Манзил: 100017, Тошкент шаҳри, Марказ-5, 88-уй. Тел.: (99871) 207-09-06).

Диссертация автореферати 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.А. Мўминов**

Илмий даража берувчи Илмий кенгаш раиси,  
филология фанлари доктори, профессор

**Н.Ф. Муратова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, филология фанлари номзоди,  
доцент

**Қ.Т. Ирнараров**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, тарих  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ

### (филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Экологик муаммолар глобал характерга эга бўлиб, мураккаб ижтимоий ҳодисага айланаётган бир пайтда ривожланган демократик давлатлар оммавий ахборот воситаларининг янги йўналиши бўлган экологик журналистика асосларини тадқиқ этишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Халқаро экологик сиёсий муносабатларда техник-технологик, интеллектуал ва ахборот айрибошлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш тенденциясини устувор йўналишлари, экологик сиёсатнинг миллий ва халқаро институционал тизимидаги таркибий ўзгаришларнинг хусусиятлари, экологик барқарор тараққиётни таъминлашда ижтимоий онг шакллариининг интеграциялашуви, миллий экологик сиёсатнинг жамият барқарор ривожланишини таъминлашдаги роли, мазкур йўналишдаги халқаро ахборий ҳамкорлик, экологик журналистикани ривожланиши тенденциялари, унинг концепцияси бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида ривожланган давлатларнинг экологик сиёсатини, тобора долзарблашиб бораётган экологик муаммоларнинг ҳамда ижтимоий экологик ташаббусларнинг ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилиши, экология соҳасида ахборий ҳамкорлик тажрибаси, экологик журналистика соҳасида хавфсизлик масалалари, атроф-муҳит муҳофазаси мавзусидаги жанрий ранг-баранглик ва аудиторияга таъсир этиш усуллари бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан экологик муаммоларни атрофлича ўрганиш, уларнинг моҳиятини англаб, чуқур таҳлил асосида холислик принципига амал қилган ҳолда ёритиш, бу борада олий таълим муассасаларида журналистика факультетларида экожурналистларни тайёрлаш учун йўналишлар очиш, республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритаётган журналистлар ва блогерлар учун маҳорат мактаблари ва семинар-тренинглар ташкил этиш заруриятини изоҳлайди.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида (2017 й., 19 сентябрь) сўзлаган нутқида Марказий Осиёдаги энг оғриқли ва азалий муаммолардан бири, яъни Орол денгизи фожеасини бартараф қилиш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига тўхталиб ўтди. “Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар томонлама манфаатларини ҳисобга олмай туриб, – дея таъкидлади Президентимиз, – сув ресурс муаммоларини ҳал этишнинг муқобил ечими йўқ. Ўзбекистон превентив дипломатия бўйича БМТ Минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзасида сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциясини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Эътиборингизни замонавий даврнинг азалий ва оғриқли экологик муаммоларидан бири – Орол фожеасига қаратмоқчимиз. Биз жорий йил БМТ томонидан таклиф этилган дастур бўйича Оролбўйи аҳолисига тўлиқ ёрдам бериш ва ижтимоий ҳимоя

қилишни бошлаймиз”<sup>1</sup>. ОАВ – бу кенг қамровли бир яхлит тизим бўлиб, унда матбуот, электрон ва интернет нашрлар, аудиовизуал каналлар, ижтимоий тармоқлар, блогерлар, махсус экологик ахборот ресурслар жамланган. Унда замонавий экология соҳасини чуқур ва ҳар томонлама акс эттиришга ва унинг ривожланишига таъсир этишнинг кўплаб усуллари ва воситалари мавжуд бўлиб, замонавий ОАВ ва фуқаролик журналистикаси экологик муаммоларни, уларнинг долзарблиги ва аҳамиятини кенг аудиторияга етказиш, Ўзбекистон ҳукумати экологик сиёсатининг йўналишлари ва тамойилларини тушунтириш, аҳолининг экологик онгини шакллантириш, экологик журналистиканинг сиёсий жараёнлардаги ўрнини тадқиқ қилиш асосида Ўзбекистоннинг сиёсий тизими қонуниятларни (сиёсатшунослик) ва замонавий экологик вазиятни ўрганиш (экология ва барқарор тараққиёт) ҳамда ОАВнинг бундаги ўрнини (журналистика) аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги; “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги; “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги, “Ўрмон тўғрисида”ги, “Давлат санитария назорати тўғрисида”ги, “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонунларини, Ер кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш зарур. Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда экологик вазиятлар ва офатлар ҳудудлари тўғрисида”ги, “Экологик суғурта тўғрисида”ги, “Табиатдан оқилона фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш тўғрисида”ги, “Давлат экологик назорати хизмати тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сон Фармони, 2019 йил 30 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони, 2019 йил 27 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 434-сонли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлади.<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Жамиятнинг демократлашувида экологик журналистиканинг ривожланиши омиллари билан боғлиқ тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Cambridge University (Буюк Британия), University of Westminster, Brunel University London, University of Illinois, Leeds Metropolitan University, Florida International University (АҚШ), The University of Pennsylvania, The University of Minnesota, The University of Texas, Northumbria University Newcastle, Queensland University of Technology (Австралия), The University of Western Ontario, University of Ottawa, University of Toronto (Канада), Bilkent University (Туркия), The University of Hong Kong (Pokfulam, Гонг Конг), Hasetepe University (Туркия), Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Экологик журналистика назарияси ва янгиликларининг демократик жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда ривожланиши омиллари илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар асосида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: экологик журналистика назарияларининг мазмун-моҳияти, уларнинг демократик қадриятларга мослиги ёки акси, аҳамияти ёки камчиликлари очиқ берилган Cambridge University (Буюк Британия), экологик муаммоларни ҳал қилишда экожурналистиканинг ўрни, унинг экологик масалалар борасида ахборот тарқатишида ижтимоий тармоқлар орқали кириб келаётган субъектив ахборотни назоратда сақловчи фактор бўлиши кераклиги асосланган (The University of Pennsylvania, АҚШ); давлатларнинг экологик сиёсатини ёритишда журналистик материалларнинг замонавий форматларининг ўзига хосликлари асослаб берилган (The University of Minnesota, The University of Texas, АҚШ, Northumbria University Newcastle, Туркия, Queensland University of Technology, Австралия).

Экологик журналистика жаҳон миқёсида демократик тамойилларга асосланган дунёнинг ахборот ва коммуникация жараёнларида бугунги куннинг энг долзарб, инсон ҳаётига хавф солаётган экологик муаммоларни ёритиши асосида анъанавий журналистика негизида шаклланди. Жаҳонда экологик журналистиканинг экологик мавзудаги ахборотни узатишда рақамли технологиялар яратган имкониятларни тадқиқ қилиш, экология мавзусини ёритишга ихтисослашган оммавий ахборот воситаларини моҳият, шакл ва

---

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи <https://oxfordre.com/communication/> (Oxford Research Encyclopedias); <https://oatd.org/> (Open access Theses and dissertation); [www.jstor.org/stable/](http://www.jstor.org/stable/) (Digital Library for Scholars), <http://www.press.uillinois.edu/> (University of Illinois Press); <https://eprints.qut.edu.au/> (Queensland University of Technology) <https://bura.brunel.ac.uk/handle/2438/12443> (Brunel University London); <https://ir.lib.uwo.ca/etd/4269> (The University of Western Ontario); <https://conservancy.umn.edu/handle/> (The University of Minnesota); <https://www.utdallas.edu/> (The University of Texas); <https://www.fiu.edu/> (Florida International University); <https://www.westminster.ac.uk/> (University of Westminster); <http://www.cam.ac.uk/> (Cambridge University) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

кўриниш жиҳатдан қайта таснифлаш, объектив ва субъектив экоахборот, экологик фейкларнинг бугунги кундаги кўринишларини таҳлил этиш, давлатларнинг экологик сиёсати ва экологик хавфсизлик масалаларини ёритилишида ахборотнинг ишончилиги муаммоларини тадқиқ этиш, фуқаролик журналистиканинг анъанавий журналистикага таъсири ва экологик журналистиканинг ҳудудий сиёсий жараёнларни ёритишдаги ролини ўрганиш каби устувор йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Экологик муаммолар ва атроф-муҳит муҳофазаси борасидаги манбаларни ўрганиш уларни моҳиятан тўртта гуруҳга бўлишни тақозо этади.

*Биринчи гуруҳга* экологик сиёсат ва уни амалга ошириш механизмларини ўрганган олимларни, хусусан Фарбий Европа мамлакатлари ва АҚШ да фаолият юритаётган McCormick John, Jane Roberts, Norman J Vig, Michael Kraft, Dieter Helm, МДХга аъзо давлатларда фаолият юритаётган тадқиқотчилар О.В. Аксёнова, О.П. Буйлов, Н.М. Мамедов, Д.И. Ромасевич, Г.В. Косов, Ю.А. Харламов, Е.К. Гайкович, Г.Е. Мекуш, ўзбекистонлик мутахассислардан Б.Н.Омоновларни <sup>3</sup> киритиш мумкин. Улар экологик сиёсатнинг халқаро жиҳатлари, жаҳондаги мавжуд табиий бойликларнинг мамлакатлар ўртасидаги тақсимланиши, ҳудудларнинг экологик ҳолати ва экологик инқирозларни бартараф этишда давлатларнинг ўрни ва роли, экологик сиёсатнинг йўналишлари хусусида ўз фикрларини билдиришади.

*Иккинчи гуруҳни* хорижда ва Ўзбекистонда экологик журналистиканинг асослари, моҳиятини тадқиқ этишга ҳисса қўшган мутахассислар ташкил этади. Уларнинг ичида инглизча тадқиқотчилар Ш.Фридман, К.Фридман, Л.Томас, М.Ж. Левис, В.М.Вест, М.Р.Греенбург, Д.Б.Сашман, Р.М. Рогерс, А. Хансон, россиялик олимлар М.А.Подлесная, Л.А.Коханова, О.А.Берлова, В.Б.Колесникова, А.Л.Кочинева, О.А.Захароваларни, <sup>4</sup> қирғизистонлик тадқиқотчи Н.Жумагазиева, тожикистонлик тадқиқотчи Н.Якубов, ўзбек олимларидан Н.Қосимова (муаллиф), Я.М.Маматова, С.Р.Сулаймонова,

---

<sup>3</sup> McCormick, John. Environmental Policy in the European Union. The European Series. Palgrave, 2001; Jane Roberts. Environmental policy. Routledge, 2004; Norman J Vig, Michael E Kraft. Environmental policy: new directions for the twenty-first century. D.C. CQ Press, 2003; Dieter Helm. Environmental policy: Objectives, instruments, and implementation. OxfordUniversityPressDistributionServices (UK), 2000; Аксёнова О.В., Халий И. А. Институционализация экологической политики в России: социальные практики, стратегия государства, управленческие решения. М., 2006; Буйлов О.П. Экополитология и экологическая политика. М, 2006; Мамедов Н.М. Экологическая политика: основания, уровни, методология реализации. М., 2006; Ромасевич Д.И. Глобальные проблемы современности и экологическая политика России: дис. канд. полит, наук. М., 2006; Косов В.Г., Харламова Ю.А., Нефёдов С.А. Экополитология: Политология в контексте экологических проблем: учеб. пособие. М., 2008; Гайкович Е.К. Экологическая политика Российской Федерации: структурно-функциональный анализ: дис.канд. полит, наук. Нижний Новгород, 2003; Мекуш Г.Е. Экологическая политика и устойчивое развитие (анализ и методологические подходы). М., 2007;

<sup>4</sup> Фридман Ш., Фридман К. Пособие по экологической журналистике. Бангкок, 1998; Thomas L.J. This Incomparable Land: A Guide to American Nature Writing. Minneapolis, 2001; Lewis M.J., West B.M., Greenburg M.R., Sachsman D.B., Rogers R.M. The Reporter's Environmental Handbook. 3rd ed. New Brunswick and London, 2003; Hanson A. The Mass Media and Environmental Issues. London and New York, 1993

Ж.К Марзияевларни<sup>5</sup> қайд этиб ўтиш мумкин. Хусусан, Ш. Фридман ва К. Фридманлар экологик журналистика тушунчасини анъанавий журналистикадан фарқлаб, унинг назарий асосларини тавсифлашган бўлса<sup>6</sup>, Л.Томас АҚШдаги экологик журналистиканинг асосий тамойиллари ҳақида тўхталади<sup>7</sup>; М.Ж.Льюис, В.М.Вест, М.Р. Гринбург, Д.В.Саксман, Р.М. Роджерслар бевосита экологик журналистикада репортаж тайёрлаш усулларига ўз эътиборларини қаратишган<sup>8</sup>. А. Хансон эса оммавий ахборот воситалари орқали экологик мавзунини ёритиш асосларига тўхталади<sup>9</sup>. Россиялик олима М.А. Подлесная ўзининг номзодлик диссертациясида давлатнинг экологик сиёсати шаклланиши жараёнида ОАВнинг бошқарув функцияларини ўрганган<sup>10</sup>. Л.Коханова ўз навбатида экологик журналистикада PR ва рекламанинг ўрнини тадқиқ этади.<sup>11</sup> О.А.Берлова, В.Б.Колесниковалар ўз асарларида экологларга оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича маслаҳатлар беришади<sup>12</sup>. О.А. Захарова ижтимоий маконда экологик мулоқотнинг шаклланиши жараёнига тўхталса, Б. Льюис, М. Вест, Д. Гринбург, Р. Захсман, Г. Роджерс, А. Хансонлар экологик мулоқотнинг шаклланишида ОАВнинг ўрнини ўрганишган<sup>13</sup>

Миллий журналистикамизнинг назарий жиҳатларини яратишга ўз хиссаларини қўшиб келаётган Я.М.Маматова ва С.Р.Сулаймонова Ўзбекистон экологик журналистикасини барқарор ривожланиш контекстида таҳлил этишган<sup>14</sup>. Ж.Марзияев мустақиллик йиллари қорақалпоқ матбуотида чоп этилган экологик муаммоларни тадқиқ этади<sup>15</sup>.

---

<sup>5</sup> Джумагазиева Н. Освещение проблем экологии в периодической печати Кыргызстана (1996-2006 г.г.) <https://www.dissercat.com/content/osveshchenie-problem-ekologii-v-periodicheskoi-pechati-kyrgyzstana-1996-2006>. Автореферат. Дис.канд.фил.наук. Бишкек. 2010. 26 с.; Якубов Д. Н. Журналистика и экология: проблемы и перспективы (на примере материалов СМИ РТ). Автореферат дис.канд.фил.наук. -Душанбе, 2009. 24 с.; Маматова Я.М., Сулаймонова С.Р. Ўзбекистон экологик журналистикаси барқарор ривожланиш контекстида. -Т., "Extremum-press", 2017, 31 б; Марзияев Ж. К. Интерпретация экологических проблем в каракалпакской прессе в годы независимости. Автореферат диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам. -Ташкент, 2019, -с.45

<sup>6</sup>Фридман Ш., Фридман К. Пособие по экологической журналистике. Бангкок, 1998;

<sup>7</sup> Thomas L.J. This Incomparable Land: A Guide to American Nature Writing. Minneapolis, 2001;

<sup>8</sup> Lewis M.J., West V.M., Greenburg M.R., Sachsman D.B., Rogers R.M. The Reporter's Environmental Handbook. 3rd ed. New Brunswick and London, 2003;

<sup>9</sup>Hanson A. The Mass Media and Environmental Issues. London and New York, 1993.

<sup>10</sup> Подлесная М.А. Социально-регулятивные функции СМИ в условиях формирования государственной экологической политики: дис.канд. соц. наук. М., 2006; Ровинская Т.Ю. Роль средств массовой информации в разработке и осуществлении экологической политики (из опыта США и ФРГ): дис.канд. полит. наук. М., 2001.

<sup>11</sup>Коханова Л.А. Экологическая журналистика, PR и реклама: учеб. пособие / Под ред. Я.Н. Засурского. М., 2007

<sup>12</sup>Берлова О.А., Колесникова В.Б., Кочинева А.Л. Как экологам работать со средствами массовой информации. Киев, 2000.

<sup>13</sup>Льюис, Б. Вест, М. Гринбург, Д. Захсман, Р. Роджерс, Г. Чапман, А. Хансон. Роль СМИ в формировании экологической коммуникации. -Спб., 2010

<sup>14</sup> Маматова Я.М., Сулаймонова С.Р. Ўзбекистон экологик журналистикаси барқарор ривожланиш контекстида. -Т., "Extremum-press", 2017, 31 б.; Журналистика в мире политики: Исследовательские подходы и практики участия / Ред.-сост. С.Г. Корконосенко. СПб., 2004.

<sup>15</sup> Марзияев Ж. Мустақиллик йиллари қорақалпоқ матбуотида экологик муаммолар талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. -Т., 2019, 12 б.

*Учинчи назарий ишлар гуруҳини* бевосита миллий журналистика ривожига ҳисса қўшган олимларнинг асарлари ташкил этади. Зеро, ОАВда экология масалаларини ёритишда журналист маҳорати, ижтимоий муаммоларни кўтаришда касбий ахлоқ тамойиллари муҳим роль ўйнайди. Бу борада ўзбек журналистикаси ривожига илмий-назарий жиҳатдан улкан ҳисса қўшган Ф.П.Нестеренко, О.Тоғаев, Ф.А. Мўминов, М.Худойкулов, Х.Н.Дўстмухаммедов, Қ.Т. Ирназаров, Б. Дўстқораев, Я.М. Маматова, П.И. Мўминова, Ю.Хамдамов, Т.Қозоқбоев, А.Мелибоев, Х.О.Саидов, Ш.Т. Қудратхўжа, Н.Қ.Тошпўлатова, К.Ф.Исмаилова, Н.Ф. Муратова, А.Н.Нурматов, А.Ж.Матякубов, А.А. Каримов <sup>16</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотлари диссертациянинг назарий манбалари ҳисобланади.

*Тўртинчи гуруҳини* миллий журналистикада экологик муаммоларнинг ОАВда ёритилиш масаласини бевосита тадқиқ этган олимлар ташкил этади. Булар Н.С.Қосимова (*муаллиф-Н.Қ.*), Я.М.Маматова, С. Р.Сулайманова, Ж.К.Марзияев, Г.Б.Бегжанова <sup>17</sup> ва бошқалардир. Муаммони очиб беришда улар соҳанинг илмий-назарий масалаларига кўпроқ эътибор беришган. Аммо атроф-муҳит масалалари ва уларга инсониятнинг ривожланиш босқичлари жараёнидаги турли хил муносабатлар бўйича мавжуд адабиётларнинг хилма-хиллигига қарамасдан, экологик сиёсат ва унинг ёзма ва оғзаки манбаларда акс этиши, экологик журналистиканинг сиёсат негизида тараққиёти тадқиқига бағишланган илмий ишлар етарли эмас.

---

<sup>16</sup>Тоғаев О. Публицистик тадқиқот санъати. - Т.: Ўзбекистон. 1986. - 192 б.; Худойкулов М. Журналистика ва публицистика (Қайта ишланган ва тўлдирилган нашр). — Т.: “Tafakkur”, 2011. - 287 б.; Т.Қозоқбоев, М.Худойкулов. Журналистикага кириш. -Т.: “Иқтисод-молия”, 2018. -348 б.; Мўминов Ф.А. Журналистика ижтимоий институт сифатида. - Т.: “Университет”, 1998. - 176 б., Дўстмухаммад Х.Н.Журналистиканинг касб одоби муаммолари. Назарий-методологик таҳлил. -Т.: “Янги аср авлоди” нашриёти, 2007. -216 б., Хамдамов Ю. Тараққиёт мезони. — Т., “O‘zbekiston”. 2013. - 216 б.; Мелибоев А., Нестеренко Ф.П., Ирназаров К.Т., Маматова Я.М., Коробкин Д.В. Труд журналиста: профессионализм, творчество мастерство. Учебное пособие. Часть II. - Т.: “ZAR QALAM”, 2002. -218 с.;

Нестеренко Ф. П., Ирназаров К.Т., Маматова Я.М. Современная журналистика. Учеб, пособие. —Т.: “ZAR QALAM”, 2006, -404 б.; Муминова П.И. Международная журналистика: теория и практика. Монография. 2007; Саидов Х., Тўхлиева Н. Репортёрлик маҳорати. –Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт, 2008; Тошпўлатова Н.Қ. Журналистика психологияси. – Тошкент. 2013; Қудратхўжаев Ш. Интернет ва ахборот хизматлар, фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма. –Т.: Истиқлол.: 2013. – 98 б.; Қосимова Н. Интернет журналистикасининг технологик асослари. –Т., 2012; Исмаилова К. В режиме прямого эфира. – Т.: Международный центр переподготовки журналистов. 2007; Нурматов А. Журналистика назарияси асослари//Маъруза матни. Тошкент, 2006; Қосимова Н., Каримов А., Файзуллаева Х. Фотожурналистика. –Т., “Турон-иқбол”, 2018.

<sup>17</sup>Қосимова Н.С. Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика. –Т., “Турон-иқбол”, 2016, - 196 б.; Н.Қосимова. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасида ҳамкор сифатида. Ўқув қўлланма.–Т., ЮНЕСКО. 2018. -210 б.; Қосимова Н.С. Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши. Ўқув-амалий қўлланма. Тошкент., Марказий Осиё минтақавий экологик маркази, Журналистларни қайта тайёрлаш маркази, 2018 й. -108 б.; Сулаймонова М.Р, Маматова Ё.М. Сулайманова С., Маматова Я. Экологическая журналистика Узбекистана в контексте Устойчивого Развития. Учебное пособие. - Т.: Extremum-press, 2016., Марзияев Ж. К. Мустақиллик йиллари қорақалпоқ матбуотида экологик муаммолар талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Т.: 2019. –6.44; Марзияев Ж.К., Бегжанова Г.Б. Экопублицистика /7 Filologik tadqiqotlar - VIII. Ilmiy-amaliy anjuman materiallari. - Toshkent. “Navoiy universiteti” nashriyot-matbaa uyi. 2018. - б. 109-11.

Мавзуга доир амалга оширилган ҳеч бир тадқиқот ишини камситмаган ҳолда айтиш жоизки, ҳозирга қадар ўзбек экологик журналистикасининг вужудга келиш тарихи, ривожланиш омиллари, хусусиятлари, мавзулар хилма-хиллиги, ижодий маҳорат масалалари, шаклий ва услубий изланишлар ва бошқа омиллар махсус ва атрофлича ўрганилмаган.

**Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Халқаро журналистика назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсати йўналишлари ҳамда экологик муаммоларни ёритишда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини ва аҳолининг экологик онгини шакллантириш ҳамда маданиятини ривожлантиришда миллий масс-медиянинг таъсирини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистонда экологик журналистика ихтисослашган илмий йўналиш сифатида умумий журналистика негизида шаклланганлигини тадқиқ этиш орқали исботлаш;

Ўзбекистонда экологик мавзудаги муаммоларнинг илк умумий классификациясини яратиш ва материалларни узатишда қўлланилган замонавий илғор технологиялар ва усуллар жаҳон ОАВ тажрибаси билан таққосланган ҳолда таҳлил қилиш;

миллий экология журналистикасининг янги назарий-илмий ёндашув асосида концепциясини яратиш;

экожурналистикага доир турли манбалар, хусусан, электрон, ижтимоий тармоқлардан бошлаб, экологик партиялар ва жамиятлар, давлат ва нодавлат экологик ташкилотлар, табиат ҳаваскорларининг фаолиятлари ўрганилиб, илмий- методик ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

экологик ахборий маконда интернет ОАВ ва ижтимоий тармоқлардаги ўрнини аниқлаб, атроф-муҳит муҳофазасида журналистик суриштирувнинг ўрни ва ролини таҳлил этиш;

социологик сўров орқали экологик мавзудаги журналистик материаллар самарадорлигининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш;

Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш кесимида олиб борилаётган Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини ёритиш механизмларини таҳлил этиш;

муаммоларни сиёсий ракурсда ҳал этишда журналистларнинг халқаро ва миллий экологик ҳаракатлар, ташкилотлар, партиялар фаолиятида қатнашиш заруратини концептуал ёндашув бўйича асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида экологик муаммоларни бартараф этиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси олиб борилаётган экологик сиёсатини

ёритаётган оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқлар фаолияти ўрганилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилишининг тадрижи, замонавий тенденциялари ва ривожланиш омилларини тадқиқ этиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш), диагностик (кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш ва бошқ.) усуллар мажмуи қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда экологик журналистика ихтисослашган илмий йўналиш сифатида умумий журналистика негизида шаклланигани ва ўз ўрнига эга эканлиги, экология соҳасида давлат сиёсатини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари мавзуга оид кенг қўламли ахборий ва маърифий фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари (2010-2020 йиллар) асосида далилланган;

интеграллашган фанлар асосида ташкил топган экологик журналистика бу инсон фаолияти натижасида атроф-муҳитга етказилаётган зарар, экологик муаммолар ҳамда табиатни асрашга қаратилган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва намойиш этишга қаратилган журналистик фаолият бўлиб, унга оид қарашлар, тамойиллар тизимини, содир бўлаётган экожараёнларни тушуниш, англаш, изоҳлаш ва ёритиш орқали жамиятда экологик онг ва маданиятни шакллантириш концепцияси ишлаб чиқилган;

экологик хавфсизлик масалаларига етарлича эътибор бермаслик давлатнинг экологик сиёсати, жамият ҳаёти ва онгига салбий таъсир қилиши ОАВда чоп этилган ва экологик муаммоларни очиб беришга йўналтирилган медиаматериаллар асосида исботланган;

трансчегаравий экологик муаммоларни ёритиш ва уларнинг ечимини топишда экология соҳасида ахборий ҳамкорликнинг зарурати экологик йўналишда фаолият олиб бораётган ОАВ контенти орқали асосланган;

Ўзбекистон Республикасида экологик сиёсатини ёритишда ОАВнинг ролини баҳолаш, аудиториянинг экологик муаммоларга муносабатини билиш, мавзунини ёритишда кўтарилаётган масалаларнинг ўқувчиларга таъсирини ўрганишда телевидение, радио таҳририятларида материалларнинг рейтингини аниқлаш учун замонавий медиаметрия инструментларидан фойдаланиш зарурати исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

миллий ва халқаро журналистика фаолиятига, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борисидаги халқаро қонунчиликка тўла мос келувчи ва илмий мунозараларга аниқлик киритувчи “экологик журналистика” атамасига таъриф ишлаб чиқилган ва асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ёритишда ОАВнинг роли ва вазифалари белгиланган, ушбу йўналишдаги фаолиятнинг амалий асослари аниқланган;

экологик журналистика концепцияси ишлаб чиқилган;

Ekolog.uz сайти ва <https://t.me/ekologuz> Телеграм каналлари фаолияти асосида журналистларни тор соҳа йўналишларига ихтисослаштириш бўйича амалий тажрибалар умумлаштирилган;

олий ўқув юртлари бакалаврлари ва магистратура мутахассислиги учун “Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика”, “Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши”, “Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасида ҳамкор сифатида” ўқув қўлланмалари, “Сувдан фойдаланиш масалалари оммавий ахборот воситалари нигоҳида” услубий қўлланмалар нашр этилган;

“Глобал иқлим ўзгариши ва журналистика”, “Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасида ҳамкор сифатида”, “Ўзбекистонда сувдан фойдаланиш масалаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши”, журналистика соҳасида чоп этилган 10 жилдлик китобнинг 9-томи – “Ихтисослашган журналистика” таркибига кирган “Экологик журналистика” ўқув қўлланмалари ҳамда “Сувдан фойдаланиш масалалари Ўзбекистон ОАВ нигоҳида” услубий қўлланмаларига илмий-оммабоп нашрлари яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** уларнинг журналистика услубий ва назарий тамойилларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларига мос назарий ва эмпирик характердаги илмий услублар комплексидан фойдаланилганлиги, ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилган натижалари муаллифнинг ўқув қўлланмалари, монография ва илмий журналлар ва тўпламлардаги мақола ва тезисларида ўз аксини топган ҳамда диссертация материаллари асосида ОАВ вакиллари учун тренинглари ташкил этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг ОАВда ёритилиши бўйича илмий-назарий қарашлар умумлаштирилганлиги ва тўлдирилганлиги, ўрганилаётган муаммо юзасидан янги назарий ва эмпирик маълумотлар тақдим этилганлиги, ушбу йўналишда масс-медиа фаолиятини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ОЎЮнинг журналистика факультетларида маъруза ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш, экологик журналистика тарихи, назарияси ва амалиёти, экологик журналистика бўйича дарслик, ўқув, услубий қўлланмаларни яратиш, махсус курс, илмий тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ва бошқа тадқиқот ишларини бажаришда, ушбу мавзу бўйича

ижодий материаллар тайёрлашни мувофиқлаштириш мақсадида амалиётчи журналистлар ва блогерларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, экологик ОАВ фаолияти ривожини таъминлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсатини амалга оширишда экологик журналистикасининг миллий журналистикадаги ўрни ва ихтисослашган журналистика йўналиши сифатида профессионал журналистикага таъсирини аниқлаш орқали олинган илмий натижалар куйидаги асосда амалга оширилган:

экологик муаммоларнинг оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кўтарилиши, экологик ташкилотлар фаолиятининг, ижтимоий экологик ташаббусларнинг ижтимоий тармоқларда ёритилиши [ekolog.uz](http://ekolog.uz) сайти ва <https://t.me/ekologuz> Telegram каналининг ташкил этилишига, республика миқёсида фаолият юритаётган журналист ва блогерлар учун “Глобал иқлим ўзгаришининг ОАВда ёритилиши” ҳамда “Сув ва сувдан фойдаланиш масалаларининг ОАВда ёритилиши” мавзуларида Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда семинар-тренинглар ўтказилишига асос бўлди (Журналистларни қайта тайёрлаш марказининг 2020 йил 18 февралдаги 5-сон маълумотномаси). Натижада республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган 200 нафар журналист ва блогерларнинг экологик мавзудаги материалларни тайёрлаш, журналистик суриштирув ўтказиш, ахборот манбалари билан ишлаш борасидаги билимлари ошиб, кўникмалари шакллланган;

материалларнинг жанрлари ва таъсирчанлик усуллари Ўзбекистонда журналист ва блогерлар учун экологик муаммолар борасида семинар-тренинглар ўтказишда Марказий Осиё Минтақавий экологик марказнинг Ўзбекистондаги филиали томонидан фойдаланилиб (Марказий Осиё Минтақавий экологик марказнинг Ўзбекистондаги филиалининг 2020 йил 24 августдаги UZ-2020-L-080-сон маълумотномаси); Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси муассислигидаги “Chinor ENK” экологик-ноширлик компанияси томонидан нашр этиладиган “Экологик хабарномаси-Экологический вестник” илмий-амалий журналида мазмуни ва мундарижасини янада бойитиш, “Экожурналистика” рукнини ташкил қилиш учун қўлланилган (“Экологик хабарномаси-Экологический вестник” илмий-амалий журнали таҳририятининг 2020 йил 21 августаги 52-сон маълумотномаси). Натижада илмий ишда қўлланилган тушунчалар ва жанрларни амалиётга жорий этиш бўйича назарий концепциялар тақдим этилган;

ўтказилган сўровлар, бевосита экологик журналистикага ихтисослашган нашрларнинг Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ёритиш борасидаги контент таҳлили, экологик муаммоларни ёритишда журналистик маҳорат мезонларини аниқлаш борасида олинган натижалар “Нуроний”

газетаси, “Кексалик гашти” журнали ва Fikrat.uz ахборот портали саҳифаларида (“Нуроний” газетаси, “Кексалик гашти” журнали таҳририятларининг 2020 йил 18 августдаги 103-01/х-20-сон маълумотномаси); “Қишлоқ ҳаёти” газетасида (“Қишлоқ ҳаёти” газетаси таҳририятининг 2020 йил 26 августдаги 26-сон маълумотномаси), Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерациясининг “Ишонч-Доверие” газеталарида “Экология”, “Табиат ва биз”, “Экомуаммо” рукнларини ташкил этиш (“Ишонч-Доверие” газеталари қўшма таҳририятининг 2020 йил 24 августдаги 38-сон маълумотномаси); Qalampir.uz интернет нашрида “Экомувозанат” (Qalampir.uz интернет нашрининг 2020 йил 20 августдаги Q-09-20-сон маълумотномаси); Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Янги Ўзбекистон-Правда Востока” газеталарида “Экология” (“Янги Ўзбекистон-Правда Востока” газеталари қўшма таҳририятининг 2020 йил 18 августдаги 146-сон маълумотномаси); “Табиат ва ҳаёт” газетасида “Атроф-муҳит ва биз” каби рукнларни ташкил этишда (“Табиат ва ҳаёт” газетаси таҳририятининг 2020 йил 20 августдаги Т/Ҳ- 10 -сон маълумотномаси), экологик мазмундаги журналистик материалларни бойитишда, газета мазмуни сифатини оширишда, Ўзбекистоннинг экологик сиёсати ва мамлакатдаги мавжуд экологик муаммоларни ёритишга бағишланган, аҳолининг экологик билимини оширишга қаратилган мақола, лавҳа, хабар, фоторепортаж ва интервьюлар тайёрлашда фойдаланилган. Натижада мазкур босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган журналистларнинг экологик мавзунини ёритиш борасидаги маҳорати ошган;

таҳлилга тортилган экологик мавзудаги журналистик материаллар самарадорлигининг рейтинг кўрсаткичларини аниқлаш борасида олинган натижалар “Dunyo bo‘ylab” телерадиоканалида тайёрланиб, эфирга узатилаётган “Мувозанат”, “Экспедиция (Сув ёқалаб)”, “Экоминбар” каби экологик мавзудаги туркум теледастурларнинг мазмун-моҳиятини бойитишда қўлланилди ва “Экопатруль” кўрсатувини ташкил этилишига туртки бўлган (“Dunyo bo‘ylab” телерадиоканалининг 2020 йил 21 августдаги 08-14-201-сон маълумотномаси); “O‘zbekiston” телерадиоканалида тайёрлаб, эфирга узатилаётган “Мўъжизакор макон”, “Агроолам” экологик мавзудаги туркум теледастур, “Экоҳаёт” каби радиодастурларнинг сифатини оширишда ҳамда “Экомувозанат” номли радиоэшиттиришни ташкил этилишига хизмат қилди (“O‘zbekiston” телерадиоканалининг 2020 йил 20 августдаги 02-14-774-сон маълумотномаси); Жиззах вилоят телерадиокомпаниясида “Экомуаммо” телекўрсатувини ташкил этишда (Жиззах вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 21 августдаги 01-08/653-сон маълумотномаси); Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясида “Табиат дўсти” радиоэшиттиришини тайёрлашда (Сирдарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 августдаги 01-19-183-сон маълумотномаси); Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Mahalla” телерадиоканалида эфирга узатилаётган “Журналист нигоҳида” телекўрсатуви ва “Экомувозанат” радиодастурларининг йўналишини белгилаш, атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган журналистик материалларнинг мазмунини

бойитиш ва сифатини оширишда (“Mahalla” телерадиоканалининг 2020 йил 21 августдаги 01-16-329 -сон маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада назарий хулосалар ва амалий тавсиялар контентда асосий манба сифатида қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Республикамизнинг барча вилоятларида фаолият юритаётган журналист ва блогерларга, олий таълим муассасаларнинг журналистика факультетлари ҳамда ижтимоий-сиёсий йўналишда таълим олаётган талабаларга экологик журналистика бўйича маҳорат дарслари, тренинглар ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш, жумладан, Scopus глобал рефератлар ва иктибослар базасига кирган АҚШнинг Jards.org илмий журналида 1 та илмий мақола, АҚШнинг “The American Journal of Social Science and Education Innovations” (импакт фактори 5.5) илмий журналида 1 та илмий мақола, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Канаданинг ташаббусларни қўллаб-қўвватлаш жамғармаси, Марказий Осиё Минтақавий экология марказларининг молиявий кўмагида чоп этилган 3 та ўқув қўлланма, 1 та услубий қўлланма, монография, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан чоп этилган 10 жилдлик журналистика соҳасига оид китобларнинг “Ихтисослашган журналистикада” деб номланган 9-жилдининг “Экологик журналистика”га бағишланган 4- боби, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 24 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Шундан, 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган жами 13 та илмий мақолалар, 4 та хорижий тўпламлар ва 7 та республика илмий амалий конференция тўпламларида жами 11 та тезис чоп этилди.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 232 саҳифадан иборат.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ҳамда предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, олинган натижаларнинг ишончлилиги шакллантирилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги бўйича маълумотлар келтирилган, диссертациянинг тузилиши тавсифланган.

Диссертациянинг биринчи боби – “Экологик журналистиканинг илмий-назарий асослари ва Ўзбекистоннинг давлат сиёсатида тутган

**ўрни”** да экологик журналистика анъанавий журналистика негизида ривожланиш тенденциялари, илмий-методологик масалалари, функциялари, экологик масалаларга бағишлаган оммавий ахборот воситаларининг таснифи, Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсатининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиннинг долзарб вазифалари тадқиқ этилган.

*Бобнинг “Экологик журналистика анъанавий журналистика негизида: тенденциялар, илмий-методологик масалалар, вазифалар”* деб номланган *биринчи параграфид*а” илмий- назарий масалари таҳлил қилинган, “экологик журналистика” тушунчалари, атамаси талқинлари кўрсатилган. Экожурналистикага таъриф беришда у иккита фан–экология ва журналистика фанларининг ўзаро боғлиглиги, ўхшашлигидан ташкил топганлига эътибор берилди. Экожурналистика тадқиқотчилари журналистиканинг мазкур соҳасини кенг ва ихтисослашган журналистика сифатида қабул этишади. Диссертацияда Шарон ва Кеннет Фридман, Л.Коханова, Е. Шаркова, А.Е.Вайшля, А.Кочиневалар, ўзбекистонлик олимлардан Ё. Маматова, С.Сулаймонова, Ж.Марзияевлар, қирғизистонлик Н. Жумагазиеваларнинг ишларидаги экожурналистика бўйича берган талқинлари таҳлил қилинган. Диссертант ушбу назарий қарашларни умумлаштириб, “экожурналистика” атамасининг таърифини асослаб берган. Муаллифнинг фикрича, Экологик журналистика бу:

- инсон фаолияти натижасида атроф-муҳитга етказилаётган зарар, экологик муаммолар ва табиатни асрашга қаратилган маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, ишлаб чиқариш, тарқатиш ва намойиш этишга қаратилган журналистик фаолият;

- экологик муаммолар ва уларни бартараф қилиш йўллари, жамиятнинг турли соҳаларининг атроф-муҳитга таъсири ва унга қарши кураш йўлларини турли ахборот каналлари орқали глобал ва ҳудудий даражада узатиш;

- экологик журналистика илм-фан сифатида атроф-муҳит муҳофазаси, инсон саломатлиги, экологик хавфсизлик борасида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий, маданий, ахлоқий ва социологик йўналишдаги ҳаракат, жамиятнинг онгини оширишга, экологик тафаккурни, экологик билимни шакллантиришга қаратилган тадқиқотлар, илмий фаолиятдир. Бугунги кунда экологик журналистика анъавий журналистиканинг ўзига хос йўналиши сифатида бир қанча функцияларни амалга оширади.

Булар ахборий, тарбиявий, ташкилотчилик, назорат, рекреативдир<sup>18</sup>. Биз юқорида санаб ўтилган функцияларга континуитив, яъни мавжуд сиёсатнинг умумий ижтимоий қадриятларни қўллаб-қувватлашини ҳам қўшган бўлардик. Зеро, мамлакатимизда қадимдан табиат эъзозлаб келинган. Мазкур йўналишда ўзига хос қадриятлар, яъни сувни, ҳавони, ерни ифлослантирмаслик, туарар жойларни кўкаламзоралштириш ва шу каби қадриятлар шаклланган. Мазкур функцияларидан келиб чиққан ҳолда экологик

---

<sup>18</sup> Кочинева А., Берлова О, Колесникова Виктория Экологическая журналистика. Учебное пособие. Центр координации и информации Социально-экологического Союза. М.: 1999. <http://www.seu.ru/cci/lib/books/ecojour/index.htm>.

журналистиканинг йўналишлари ва фаолият методологиясини ишлаб чиқдик. Булар *сиёсий-ҳуқуқий; ижтимоий; маърифий; иқтисодий; ахлоқий; экологик хавфсизлик*дир. Экологик журналистиканинг бугунги кундаги ривожланиши тенденциялари куйидагиларда кўринади:

- давлат ва нодавлат экологик ташкилотлари сайтларининг ривожланиши ва улардан ОАВ вакиллари маълумот олишларида самарали фойдаланишлари;

- экологик муаммолар ва улардан аҳолини хабардор этишда анъанавий жанрлар билан биргаликда кўпроқ визуаллашган ва интеграллашган жанрлардан, яъни лонгрид, сторителлинг ва уларнинг элементларидан фойдаланиш;

- экологик масалаларни бартараф этишда краудфандингдан фойдаланиш ва натижани ОАВда кенг ёритилиши орқали ўқувчи, телетомошабин, радиотингловчиларни мамлакатнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ташаббусларида қатнашишга ундаш (“Бир миллион дарахт” акцияси);

- кенг аудиториянинг экологик муаммолар ва уларни бартараф этиш борасидаги ишларга бағишланган материалларни кенг аудиторияга таништириш ва журналистик материални илгари суриш учун SMM (Social media marketing) усулларида фойдаланиш;

- фуқаролик экологик журналистикасининг ривожланиши. Краудсорсинг орқали амалга оширилган тадбирларни ёритиш ва ижтимоий тармоқлардан журналистик материаллар тайёрлаш учун фойдаланиш;

- журналистларнинг экологик масалаларни ёритишда маълумотлар журналистикаси усуллари (статистик маълумотлар йиғиш, уларни саралаш, визуаллаштириш) қўллаш;

- экологик мавзудаги фейклар ва уларга қарши курашишда фактчекинг платформалардан самарали фойдаланиш.

Миллий экологик журналистика концепцияси Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати концепцияси билан ҳамоҳангдир. 2019 йил 30 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Миллий экожурналистика мазкур концепциянинг ҳар бир бандини ёритиб, бу борада аҳолининг хабардорлигини ошириш, экологик муаммоларни бартараф этишда ҳукумат ва фуқаролар ўртасида кўприк вазифасини ўтамоқда.

Бобнинг “*Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати ва унда оммавий ахборот воситаларининг тутган ўрни*” деб номланган иккинчи параграфида Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати, қонунчилик базаси ва оммавий ахборот воситаларнинг экологик фаолиятида тутган ўрни хусусида фикр юритилади. Диссертант тадқиқот доирасида Ўзбекистонда 2010-2020 йилларда экологик журналистиканинг ривожланишини ўрганган. Айнан мазкур вақт оралиғида бевосита экология масалаларини ёритувчи оммавий ахборот воситалари ўз фаолиятини фаоллаштирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳит соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5024-сон

Фармонига мувофиқ Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига айлантирилди. Эндиликда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, қулай экологик вазиятни барқарор таъминлаш, ҳудудий бирликларнинг самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига мувофиқлаштирилди.

2019 йил 8 январь куни мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди. Ўзбекистон Экологик партияси таъсис этилди.<sup>19</sup> Унинг фаолият ОАВда ёритилиб борилди. Ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари Экологик партиянинг фаолияти бўйича ўз фикр-мулоҳазаларни эркин баҳолаб боришди.

Бобнинг “*Экологик масалаларга бағишлаган оммавий ахборот воситаларининг таснифи*” деб номланган учинчи параграфида экологик масалаларга бағишлаган оммавий ахборот воситаларининг таснифи берилди ва улар кўтарилган мавзу, муаммолари ҳақида фикр билдирилди. Хусусан, диссертант уларни бир неча турларга бўлиб ўрганди. Биринчиси – экологик йўналишда фаолият олиб бораётган ва табиат муҳофазаси борасида оммавий ахборот воситаларида мавжуд, рукнлар, саҳифалар, мавзулар аниқланди. Булар қаторида қуйидаги нашрларга эътиборимизни қаратдик: “Ўзбекистон экологик хабарномаси”, “Табиат ва ҳаёт”(Навоий вилояти) газетаси, “Toshkent”, “Дунё бўйлаб”, “Ўзбекистон”, “Оилавий”, “Болажон”, “Маҳалла”, “Ёшлар” телеканалларида махсус кўрсатувлар; “Правда Востока”, “Янги Ўзбекистон”, “Жамият”, “Тошкент оқшоми”- “Вечерний Ташкент” газеталаридаги, “Дунё бўйлаб”, “Маҳалла”, “Ўзбекистон”, “Ўзбекистон 24”, “Ёшлар”, “Оилавий” телеканаллари, “Маҳалла” ва “Ўзбекистон” радиоканаллари. Иккинчиси-хусусий ва экологик ташкилотларнинг сайтларидир. Бунга -[ekolog.uz](http://ekolog.uz), [sreda.uz](http://sreda.uz), [obod.uz](http://obod.uz), Экологик партиясининг расмий сайти бўлган [ekouz.uz](http://ekouz.uz), Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг расмий сайти [uznature.uz](http://uznature.uz), Ўзбекистон Республикаси Экосан ҳаракатининг расмий сайти [ecosan.uz](http://ecosan.uz), Қуйи Амударё биосфера резерватининг [tugai.uz](http://tugai.uz); Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг [http:// www.urmon.uz](http://www.urmon.uz); Сув хўжалиги вазирлигининг <http://www.water.gov.uz> сайтларидир. Учинчиси, ижтимоий тармоқлар, хусусан Telegramm мессенжерида [t.me/ekologuz](https://t.me/ekologuz); [t.me/tabiatnoma](https://t.me/tabiatnoma), [t.me/waste.uz](https://t.me/waste.uz), [t.me/urmon\\_news](https://t.me/urmon_news), [t.me/SoulEcology](https://t.me/SoulEcology), [t.me/ecouzbekistan](https://t.me/ecouzbekistan), [t.me/ecologibezgranits](https://t.me/ecologibezgranits), [t.me/ecoyurist](https://t.me/ecoyurist), [t.me/birmilliondaraxt](https://t.me/birmilliondaraxt) каналларидир. Тўртинчиси, республикамізда фаолият юритаётган халқаро экологик ташкилотларнинг ҳам сайтлари ўз аудиториясига эга бўлиб, улар аҳолини нафақат амалга ошираётган лойиҳалари ҳақида хабардор этишмоқда.

Ўзбекистонда мавжуд 1636 та ОАВ<sup>20</sup>дан 87 таси экологик йўналишдадир. Шундан, 37 таси мавжуд теле- ва радиоканалларда ташкил этилган ва атроф-

<sup>19</sup> Экологик партия — Ўзбекистонга нима учун керак? <http://uza.uz/oz/society/yangi-partiya-yangi-ma-sad-yangi-vazifa-21-01-2019>

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги. <http://mitc.uz/uz>

муҳит муҳофазасига бағишланган ижтимоий-сиёсий, таълимий-маърифий-оммабоп кўрсатув ва радиоэшиттиришлардир. Бунга биз нисбий равишда халқаро экологик ташкилотлар ва месенжерлардаги каналларни қўшдик. Улар расмий ОАВ мақомига эга бўлмасда, бугунги кунда самарали равишда экологияга оид маълумотларни тарқатишмоқда.

Бугунги кунда ОАВнинг аксарият аудиторияси ижтимоий тармоқларга кўчди. Мамлакатда оммалашган янгиликлар сайтларида бевосита экологияга оид алоҳида рукнлар кам учраб тургани матбуотда журналистларимиз экологик масаларига ханузгача мунтазам равишда эътибор бермаганини кўрсатади, экология бевосита инсон ҳаётининг асосини ташкил этишига бефарқ турганини англатади. ОАВ олдида турган долзарб вазифа экология ҳамда барқарор ривожланиш йўналишидаги мавзу ва рукнларни, теле, ва радиодастурларни кўпайтиришни тақозо этади. Экологик журналистика бу алоҳида ихтисослашув, илм-фан, билимлар мажмуаси эканини, унинг долзарблигини оширади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Экологик масалаларнинг Ўзбекистон ОАВда ёритилиши ва ижтимоий-сиёсий ҳаётга таъсири**» га бағишланиб, унда 2010-2020 йилларда Ўзбекистон ОАВдаги материалларнинг таҳлили берилган. Бобнинг “*Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида экологик мавзудаги материалларнинг умумий таснифи*” га бағишланган биринчи параграфида Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида экологик мавзусидаги материалларнинг умумий таснифи берилиб, 2010 йилдан 2020 йилгача Орол фожеаси ҳақида босма ОАВда 1780 та мақола ва хабарлар, 11 та турли типдаги нашрлар, телевидение орқали 640 та хабар, кўрсатув ва репортажлар тайёрлангани кўрсатилган.<sup>21</sup> Айнан шу даврда ОАВнинг сув ва ундан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ материалларнинг таҳлили буйича, мазкур масалаларнинг ҳуқуқий асосларини ёритишда “*Ҳуқуқ ва бурч*” журнали ҳамда унинг [huquqburch.uz](http://huquqburch.uz) веб саҳифаси, сув муаммоларини ёритишда эса интернет нашрлар - <http://www.biznes-daily.uz>, [www.uza.uz](http://www.uza.uz), <https://kun.uz>, [www.xabar.uz](http://www.xabar.uz), [eco.uz](http://eco.uz), [ekolog.uz](http://ekolog.uz), [sreda.uz](http://sreda.uz) фаол бўлган. Айниқса, <https://kun.uz> янгиликлар сайтида бериб борилаётган ичимлик сувини исроф қилиш борасидаги журналистик материаллари чуқур таҳлил этилиб, таъсирчанлиги билан аудитори эътиборини тортган.

*1-жадвал.*

**ОАВда иқлим ўзгариши, чиқинди ва сув муаммоларининг ёритилиши (2010-2020 йй.)**

| Мавзулар       | Ижтимоий тармоқлар | Босма ОАВ | Интернет ОАВ | ТВ  | Радио |
|----------------|--------------------|-----------|--------------|-----|-------|
| Чиқинди        | 2258               | 246       | 274          | 54  | 49    |
| иқлим ўзгариши | 23                 | 79        | 49           | 36  | 39    |
| Сув            | 1086               | 427       | 560          | 289 | 175   |

Орол фожияси ва сув муаммосининг асосини глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ ҳолда берилади. Глобал иқлим ўзгариши муаммоси бугун қатор республика нашрлари –“Халқ сўзи”, “Жамият”, “XX1 аср” газеталари, “Янги авлод”, “Экология хабарномаси” журналларида, [sharh.uz](http://sharh.uz), [uza.uz](http://uza.uz) сайтларида

<sup>21</sup> Международнй фонд спасение Арала. <https://www.osce.org/ru/uzbekistan/75577?download=true>

таъсирчан равишда берилаётганига қарамай, Ўзбекистонда глобал иқлим ўзгариши мавзуси тизимли ёритилмаяпти. 2017 йилдан чиқинди муаммосига эътибор кучайиб, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ҳам ўз аксини топди. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг <https://t.me/wasteuz> расмий Telegram каналида <sup>22</sup> 1983 та визуаллашган пост, 275 та видеоматериаллар қўйилди.

Анъанавий ОАВда 2010-2020 йилларда мазкур муаммога бағишланган 623 та журналистик материаллар чоп этилди.

Бобнинг *“Экологик ташкилотлар фаолияти оммавий ахборот воситалари кўзгусида”* деб номланган иккинчи параграфида экологик ташкилотлар фаолиятининг оммавий ахборот воситаларидаги контент-таҳлили натижалари, умумий хулосалар, фикрлар берилди. Журналистлар кўпроқ республикамизда фаолият юритаётган экологик ташкилотлар фаолиятини ёритишни афзал кўришади. Бу баъзи муаллифлар учун бирор бир экологик муаммони кўтариб, таҳлил қилгандан кўра осонроқ ва қулайлироқ йўлдир. Шунинг ҳам тақидлаш жоизки, аксарият ҳолатларда журналистлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва Ўзбекистон Экологик партиясини фаолиятини кўпроқ ёритишади, аммо шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ҳузуридаги Гидрометеорология Хизмати Маркази, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги вазирликлари, Экология Қўмитаси қошидаги Жамоатчилик Кенгаши, Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида Ихтисослашган таҳлилий назорат маркази ва Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган бошқа 88 та<sup>23</sup> экологик ва экомувофиқлаштирувчи жамоатчилик ташкилотларининг фаолияти юқорида келтирилган идораларга нисбатан кам ёритилмоқда.

Бобнинг *“Ижтимоий экологик ташаббусларнинг ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилиши”* деб номланган учинчи параграфида ижтимоий экологик ташаббусларнинг интернет ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилиши масалалари ўрганилган. Ижтимоий тармоқлар орқали экология масалалари оммалашиб, Facebook, Instagram, Twitter ижтимоий тармоқларида очилган саҳифалар, Telegram мессенжерида юритилаётган каналларда кўтарилаётган долзарб масалалар айнан у ёки бу соҳа мутасаддиларига мурожаат этилиши орқали ёритиб борилмоқда. Telegram ижтимоий тармоғида экология мавзусига бағишланган 26 та ахборий канал фаолият юритмоқда. Шундан 13 таси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, 1 таси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг [t.me/urmon\\_news](https://t.me/urmon_news) (752 нафар обуначи), 2 таси Экологик партияники <https://t.me/ecouzbekeistan> (1538 нафар обуначи) ва Қорақалпоғистон Республикаси экологик партиянинг <https://t.me/QResoparty> (183 нафар обуначи), 1 таси Қорақалпоғистон

<sup>22</sup> 2020 йил 30 май ҳолатига кўра (Н.К)

<sup>23</sup> Шулепина Н. Насколько активны общественные организации в Узбекистане. 18.06.2018. [sreda.uz](http://sreda.uz) › rubriki › esopravo › naskolko-aktivny-obsh

Республикасида жойлашган “Сайгачий” давлат бюртма-қўриқхонасининг [https://t.me/Saygachi\\_есоком](https://t.me/Saygachi_есоком) (1181 нафар обуначи), қолган 10 таси атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган фуқароларнинг ташаббуслари билан ташкил этилган каналлардир (12.12.2020 йил ҳолатига). Telegram мессенжерда фаол фуқаролар томонидан ташкил этилган каналлар мавжуд бўлиб, бевосита уларнинг саъй-ҳаракати билан мавжуд экологик ҳуқуқбузарликлар оммага ошкор этилмоқда.

**2-жадвал.**

**Telegram мессенжерда фаол фуқаролар томонидан ташкил этилган каналлар**

| ekologuz | Ekoblog | Ecologibezgranits | Tabiatnoma | yovvoyi_tabiatga_sayohati | SoulEcology | ecourist | olya_eco | Birmilliondaraxt |
|----------|---------|-------------------|------------|---------------------------|-------------|----------|----------|------------------|
| 6943     | 1033    | 127               | 82         | 10441                     | 127         | 1008     | 1512     | 104              |

Ижтимоий тармоқларда экологик масалаларни бартараф этишда краудсорсинг ва краудфандингдан фойдаланиш ҳамда натижани ОАВда кенг ёритилиши орқали ўқувчи, телетомошабин, радиотингловчиларни мамлакатнинг атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ташаббусларида қатнашишига эришиш 2019 йилда ўз самарасини берди. Ўзбекистонда экологик краудфандингга ёрқин мисол сифатида “Бир миллион дарахт” акциясини келтириш мумкин. “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати 2019 йил 5 ноябрдан ўзининг Telegramдаги каналида “Бир миллион дарахт” акцияси доирасида дарахт кўчатларини ўтказиш учун пул маблағларини йиғиб, хайрли ташаббусни амалга оширди.

Бобнинг *тўртинчи параграфид*а экология соҳасида ахборий ҳамкорлик тажрибаси тадқиқ этилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг кўп вақт ўтмай 1992 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлди ва унинг бир қатор дастурлари ва агентликлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Айни пайтда мамлакатимиз БМТнинг атроф-муҳит дастури (ЮНЕП), БМТнинг Тараққиёт дастури (БМТТД), БМТнинг Саноат ривожланиши бўйича дастури (ЮНИДО), БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО), БМТнинг Халқаро метериологик ташкилоти (ВМО), БМТнинг Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ВОЗ), БМТнинг Европа иттифоқи иқтисодий комиссияси (ЭКОСОС), БМТнинг Тинч океани ва Осиё минтақаси учун иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО)<sup>24</sup> билан ҳамкорликни амалга оширмоқда. Ўзбекистоннинг экология соҳасидаги халқаро ҳамкорлик алоқалари асосан расмий хабарларда ўз аксини топгани

<sup>24</sup> Экологик ҳуқуқ. Маърузалар тўплами. [file:///C:/Users/User/Desktop/ekologik\\_huquq.pdf](file:///C:/Users/User/Desktop/ekologik_huquq.pdf)

аниқланди. Тадқиқотимиз доирасида олиб борилган таҳлил шуни кўрсатдики, аксарият ҳолларда бу маълумотлар Ўзбекистон экологик ҳаракатининг фаолияти билан боғлиқ. Аксарият ижобий ҳолатлар ёритилиб, хорижий ОАВда берилган “салбий” томонларга миллий оммавий ахборот воситаларида ўз аксини топмаяпти. **“Жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда экологик журналистиканинг роли”** номли учинчи бобда барқарор ривожланиш мақсадларининг оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг ўзига хослиги, журналистика таълими тизимидага киритилиши ҳамда экологик журналистика соҳасида ҳафсизлик масалалари тадқиқ этилган. Бобнинг *“Барқарор ривожланиш мақсадларининг оммавий ахборот воситалари ёритилиши”* деб номланган биринчи параграфида оммавий ахборот воситаларида экологик мавзу, хусусан Ўзбекистоннинг экологик сиёсатининг ёритилишини Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) билан боғлиқликда таҳлил этиш зарурлиги эътироф этилади. Барқарор ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш борасидаги шаффофликни таъминлаш учун 2020 йил март ойида Ўзбекистон давлат статистика қўмитаси <http://nsdg.stat.uz> сайти ташкил этилди. Сайт ўзбек, рус, инглиз тилларида юриталади. БРМга оид ҳужжатлар уч тилда жойлаштирилган бўлсада, аммо янгиликлар айти пайтда фақат рус тилида мавжуд бўлиб, қолган икки тилда берилмаган.

Республика ОАВда мазкур йўналиш нисбатан кенг ёритилди<sup>25</sup>. Диссертация доирасида барқарор ривожланиш мақсадларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишини таҳлил этар эканмиз, 2016 йилдан 2020 йилнинг 1 августига қадар 62 та материал эълон қилинганлигини кўриш мумкин.

**3-жадвал.**

**БРМнинг миллий ОАВда ёритилиши. (2016-2020 йил 1 август ҳолатига)**

| <i>Матбуот</i> | <i>Радио</i> | <i>ТВ</i> | <i>Интернет ОАВ</i> |
|----------------|--------------|-----------|---------------------|
| 18             | 7            | 5         | 32                  |

Таҳлил қилинган вақт оралиғида ўзбекистонлик тадқиқотчилар томонидан 8 та илмий мақола эълон қилинганлигини аниқланди. Аммо чоп этилган материаллар сони жуда кам бўлиб, аҳолининг бевосита мавзу бўйича тушунчага эга бўлиши, БРМнинг Ўзбекистон қабул қилган 16 та мақсади бўйича атроф-муҳит муҳофазаси контекстида амалга ошираётган ишлар таҳлиliga эътибор берилмаганлиги маълум бўлди. Материаллар асосан мутахассислар томонидан (34 та), қолгани эса хабар, корреспонденция (23 та) ва мақола (5 та) жанрида ёзилган. Бобнинг *“Журналистика таълими тизимида экологик билимлар ва барқарор ривожланиш мақсадлари”* номли иккинчи параграфида экологик жиҳатдан барқарор ривожланиш йўлида таълим (БРТ) нафақат барқарор келажакка эришиш, балки унга етишишнинг самарали воситаси эканлиги қайд этилган. Олий таълим муассасаларнинг журналистика факультетларида “Экология” фанидан ташқари “Экологик журналистика”

<sup>25</sup> Барқарор ривожланиш мақсадлари: 2030 йилгача таълим олиш сифати янада юксалади. “Халқ сўзи” газетаси. 26 май 2020 й.

фанининг ўтилиши талабаларга мавжуд экологик муаммолар ҳақида, мазкур мавзунини ёрита олиш борасидаги билимларни бериб, кўникмаларини шакллантиради. Айни пайтда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Халқаро журналистика факультетида, Ўзбекистон журналистика ва коммуникация университети, Ўзбекистон Миллий университетларида “Экологик журналистика” танлов фан сифатида ўтилади.

Бугун экологик журналистика таълимининг тамойиллари ишлаб чиқилган. Булар: узлуксизлик, умумийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, фанлараролик, мажмуалилик, фундаменталлик, глобал, ҳудудий ва локал даражадаги экологик муаммоларнинг боғлиқлигидир. 2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 434-сонли қарори билан Экологик таълимни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди <sup>26</sup>. Концепциянинг мақсади- ёш авлодда экологик билим, онг ва маданиятни шакллантириш, экология соҳасидаги илм-фанни инновацион технологияларни жалб қилган ҳолда такомиллаштиришдан иборат. 2019 йил декабрда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига оид зарур материаллар ва бошқа маълумотлар беришга мўлжалланган “ekologiya.uz” сайти ишга туширилди. Ўрта ва юқори синфларда, ўрта махсус таълим тизимида, шунингдек олий таълим муассасаларида ҳар бир фан ўз ичига барқарор ривожланиш тамойилларини олиши лозим. Олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига экологиянинг концептуал ва амалий жиҳатлари акс этган фанларнинг киритиши бугунги кун учун долзарбдир.

Бобнинг “*Экологик журналистикада хавфсизлик масалалари*” номли учинчи параграфида экологик журналистикада хавфсизлик масалалари тадқиқ этилган. Экологик хавфсизлик - бу маълум бир ҳудудда яшовчи ёки ишлайдиган аҳолининг хавфсиз ҳаёти ва фаолиятини таъминлайдиган табиий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуидир<sup>27</sup>. Экологик таҳдидлар ташқи ва ички деб таснифланади. Давлатга ташқи экологик таҳдидлар: трансчегаравий тарзда зарарли моддаларни ташилиши; глобал иқлим ўзгариши; озон қатламининг йўқ қилиниши; заҳарли, радиоактив ва бошқа турдаги чиқиндиларнинг кўпайиши; экотизимларнинг ваҳшиёна эксплуатацияси ва бошқалар. оммавий ахборот воситаларида бевосита экологик хавф ва унинг олдини олиш масалалари дерли ёритилмайди. Мазкур масала ахборот жанрларида, бирор ахборий тўртки мавжудлигида ОАВ юзини кўради. Экологик хавфсизлик бевосита Барқарор ривожланиш мақсадлари билан боғлиқдир. Уни амалга ошириш учун, аввало, одамларнинг бу борадаги фикрини, онгини шакллантириш, тоза, яшил дунёда яшаш учун курашга ундайдиган ахборотларнинг етиб боришини оммавий ахборот воситалари, блоглар, ижтимоий тармоқлар, бошқа тарғибот ва ташвиқот усуллари орқали таъминлаш зарур. Аммо сўнгги йилларда ижтимоий тармоқлар орқали ахборотни сохталаштириш ҳолатлари кўпайиб, у бевосита экология мавзусини

<sup>26</sup> Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. Вазирлар Маҳкамасининг қарори. <https://lex.uz/docs/4354743>

<sup>27</sup> Экологическая безопасность. <https://ecosafety.3dn.ru/>

хам қамраб олмоқда. Чунки, одамлар фейк янгиликларга ишонишга мойил. Хорижда аллақачон экологик фейкларга қарши кураш бошланди. Тадқиқотимизда 4-боб 4.3-параграфида тилга олинган сўровномада респондентларимизга “Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда тарқалаётган экологик мавзудаги фейк хабарлар атроф-муҳит муҳофазаси ва ижтимоий жараёнларга қай даражада зарарли?” номли сўровномада 6 978 нафар респондентлар қатнашиб, фейк хабарлар зарарини 1 дан 5 гача бўлган балда баҳолашган.

*4-жадвал.*

#### Экологик фейклар зарарлими?

| Зарарсиз | Унча зарарли эмас | Ўртача зарарли | Зарарли | Жараёнларга жуда ёмон таъсир қилади |
|----------|-------------------|----------------|---------|-------------------------------------|
| 323      | 587               | 940            | 4068    | 1060                                |


Ўзбекистонда ёлғон, ноаниқ ёки бузиб кўрсатилган маълумотларни тарқатганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192-моддасида жавобгарлик белгиланганлигини унутмаслик керак<sup>28</sup>. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддасида<sup>29</sup> ҳамда Жиноят кодексининг 139-моддасида тухмат, яъни била туриб бошқа шахсни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатганлик учун жавобгарлик белгиланган. Ҳозирги вақтда фейкларнинг кенг тарқалиши билан боғлиқ ҳолатлар профессионал журналистикага раҳна солаётган хатарлардан. У экологик мавзуда тарқатилаётган фейк хабарларни ҳам ўз ичига олади. Бироқ бу масалани ҳал этиш учун фақат журналистикага эътибор қаратиш етарли эмас, умуман олганда фактчекнинг аҳоли медиа ва ахборот саводхонлигининг таянч унсури сифатида кўриб чиқиш зарур.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Экологик муаммоларни ёритишда журналист маҳорати ва фаолиятининг ўзига хослиги” деб номланиб, унинг “Экологик журналистика жанрлари ва таъсирчанлик усуллари” биринчи параграфида экологик журналистика жанрлари ва таъсирчанлик усуллари тадқиқ этилган. Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида 2010-2020 йилнинг биринчи ярмида чоп этилган, эфирга узатилган экологик мавзудаги материалларда ахборот ва таҳлилий жанрлар етакчилик қилади. Сабаби экологик муаммоларни фақатгина ахборот жанрларида ёритиб бўлмайди, аҳолига мазкур муаммоларнинг сабаблари, оқибатлари ҳақида кенгроқ маълумот берилган тақдирдагина вазиятнинг ечимини топишга эришиш мумкин. ОАВ материалларининг жанр хусусиятлари ва уларнинг аудиторияга таъсир этиш мезонларини юқори бобларда қайд этилган экологик муаммо турлари бўйича таҳлилга тортдик. Натижада, глобал иқлим ўзгариши муаммоси ОАВда энг кам ёритилган (288 та материал) мавзу эканлиги аниқланди. Энг кўп ёритилгани эса сув муаммосидир (1279 та материал).

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://lex.uz/ru/docs/111453>

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. <https://www.lex.uz/acts/97664>

1-расм. Экологик муаммоларнинг жанрлар кесимида ёритилиши.  
Жами 6219 та материал



Мазкур жадвалда 10 йил давомида бевосита экологик муаммолар таҳлил этилган жанрлар кесимидаги сони берилган. Бу бевосита журналист ва блогерларнинг мавзуга қизиқиши етарли даражада эмаслиги, табиатни асраш, атроф-муҳит муҳофазаси борасида билимларини ошириш кераклигини кўрсатади. Диссертация 4-бобининг “Атроф-муҳит муҳофазасида журналистик суриштирувнинг ўрни ва роли” деб номланган иккинчи параграфида мазкур жанр аввало муаммонинг илдизини очиб беришда қўл келади. Сўнгги йиллари шов-шувларга сабаб бўлган Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган жониворларни овлаш, сотиш, дайди жониворларнинг захарлаб ўлдирилиши, дарахт кесиш борасида 2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабргача Ўзбекистонда эълон қилинган мораторий<sup>30</sup> қоидаларига риоя қилмаслик борасидаги илк хабарлар ижтимоий тармоқларда пайдо бўлмоқда. Зийрак ОАВ вакиллари улар асосида суриштирув ўтказган ҳолда материал тайёрлаши деярли анъана тусига кирди. Мисол сифатида “81 та дарахт кесилган ҳудудни қурувчига беришда амалдаги тартибга риоя қилинмагани маълум бўлди”<sup>31</sup>, “Самарқандда ўлдирилган итлар можароси: уларни ким ва нима сабабдан захарлади?”<sup>32</sup>, “Захарланган ишонч ёхуд Самарқанддаги жониворларга нисбатан шафқатсизлик”<sup>33</sup>, “Орол қандай ўлдирилди?”<sup>34</sup>, “Ваҳшийликнинг чегараси борми? Ўзбекистонда қаровсиз ҳайвонлар химоя қилинадими?”<sup>35</sup>, “Қўнғир айикни ўлдириб, жасадини мазах қилган фуқаролар жазога тортиладими?”<sup>36</sup> ва ҳоказо. Мазкур ҳолатларда журналистлар

<sup>30</sup> Объявлен мораторий на вырубку ценных видов деревьев. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/10/31/trees/> 31.10.2019

<sup>31</sup> <https://kun.uz/news/2020/02/25/81ta-daraxt-kesilgan-hududni-quruvchiga-berishda-amaldagi-tartibga-rioya-qilinmagani-malum-boldi> 25.02.2020

<sup>32</sup> <https://kun.uz/19703091> 03.09.2019

<sup>33</sup> Морозова Ю. Отравленное доверие или бесчеловечное отношение к животным в Самарканде” //”Правда Востока”, 4.09.2019 г.

<sup>34</sup> Кобылов Р. Орол қандай ўлдирилди? <https://www.bbc.co.uk/news/resources/idt-d96c331a-1e3e-4835-b7ee-8f49ded377db> 21.05.2015 й.


<sup>35</sup> Қосимова Н. “Ваҳшийликнинг чегараси борми? Ўзбекистонда қаровсиз ҳайвонлар химоя қилинадими?” <https://u24.uz/uz/uzbekistonda-karovsiz-khayvonlar-khimoya-kilinadimi> 31.05.2019 й.

<sup>36</sup> Қосимова Н. Қўнғир айикни ўлдириб, жасадини мазах қилган фуқаролар жазога тортиладими? <http://ekolog.uz/?p=892>

ижтимоий тармоқларда тарқалган фактларга таянган ҳолда ўз суриштирувларини олиб боришган. Миллий экологик журналистикада бошқа жанрларга нисбатан журналистик суриштирув нисбатан камдир. Бу аксарият ҳолатда 2010-2016 йилларгача ОАВда мазкур жанрдаги материалларнинг деярли йўқлиги билан изоҳланади. Чунки, Ўзбекистонда цензура бекор қилинган бўлсада, 2005 йиллардан юқори мартабали маъмурлар ҳамда бош муҳаррирларда ички цензура кескин кучайганлигини кўриш мумкин эди. Журналистик суриштирувларнинг ўтказилиши натижасида жойларда дарахтларнинг кесилиши, сув ва ҳавонинг ифлосланиши, чиқинди муаммолари кўтарилди. Айбдорлар жазога тортила бошланди. Бугунги кунда журналист суриштируви экологик муаммолар ҳақида очиқ гапириш имконини бериб, аксарият ҳолатда мазкур жанрдан экожурналистлар, богерлар самарали фойдаланишмоқда.

Бобнинг *“Экологик мавзудаги журналистик материаллар самарадорлигининг рейтинг кўрсаткичлари”* деб номланган учинчи параграфида тадқиқотимиз доирасида юртимиз табиати, атроф-муҳит муҳофазасига бефарқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсатини, ОАВда чоп этилаётган экологик мавзудаги материалларни мунтазам равишда кузатиб бораётган инсонлар ўртасида ўтказган сўровнома ўтказиб, унда 6 978 нафар респондент қатнашди. Сўровномадаги *“Ўзбекистондаги қайси экологик муаммолар сизни ташвишга солади?”* деган саволга жавоб сифатида респондентларга бир нечта муаммони танлаш имкони берилган бўлиб, шундан *“Иқлим ўзгариши муаммоси”* - 1761 (35,5%), *“Чиқиндиларнинг Ўзбекистонда ортиб, атроф-муҳитнинг ифлосланиши”* - 3982 (53,2%), *“Ичимлик ва суғориш сувининг етишмаслиги ва сув ҳавзаларининг ифлосланиши”* - 4295 (57%), *“Дарахтларнинг кесилиши муаммоси”* - 3277 (47%), *“Биохилма-хилликнинг йўқолиши”*, *“Қизил китобга киритилган жонивор ва ўсимликларнинг йўқ қилиниши”* - 2484 (33,5%), *“Чўлланиш муаммоси”* - 3972 (54%), *“Экологик маданиятнинг етишмаслиги”* - 4968 (69,9%) ва *“Атмосферанинг ифлосланиши”* - 2750 (41,5%) нафар респондентлар жавоб беришган. Юртимизда долзарб масалалардан бири бўлган сув ва ундан фойдаланиш, сув ҳавзаларининг ифлосланиши муаммоси кўриб турганимиздек сўровномада қатнашган 57% респондентларни хавотирга солади. Сўровномада қатнашган 6 978 нафар респондентнинг 4653 нафари аёл ва 2325 нафари эркак бўлиб, уларнинг 2 792 нафари 15 ёшдан 30 ёшгача, 3 185 нафари 30 ёшдан 45 ёшгача ва 1001 нафари 45 ёшдан 75 ёшгача бўлган респондентлардир. Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини шакллантирувчи асосий ташкилотлар Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Экологик партияси бўлиб, сўровнома қатнашчилари улар фаолиятини 1 (жуда ёмон)дан 5 баллгача (аъло) бўлган шкала асосида баҳолашган:

2-расм. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Экологик партияси фаолиятини баҳолаш



Жадвалдан кўриниб турибдики, 2019 йил январда ташкил этилган Ўзбекистон Экологик партиясига респондентларнинг ишончи камроқ. Бу аксарият ҳолатда ОАВда партиянинг фаолияти тўлиқ ёритилмаётгани, шунингдек, экологик масалаларни ҳал этишда уларнинг роли кам сезилаётгани билан ҳам белгиланади. Навбатдаги “Ўзбекистон ОАВда экологик мавзунини ёритишда нималарга эътибор берилмайди?” деган саволга респондентлар қуйидагича жавоб беришган:



Миллий оммавий ахборот воситаларида кўтарилаётган экологик мавзулар аксарият ҳолатда ўқувчи, телетомошабин, радиотингловчи эътиборига тўлақонли ёритилган ҳолда ҳавола қилинмайди. 3698 нафар респондент кўрсатиб ўтган “экологик муаммонинг ечимини кўрсатиш” аслида журналистнинг вазифаси эмас. Сўровномада берилган “Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ёритишда журналистлар маҳорати етарлими? Етарли бўлмаса, камчилиги нималарда кўринади?” саволларига 77% респондентлар “етарли” деб жавоб беришган. Аммо қолган 23%и “етарли эмас” деб ҳисоблайди. Бобнинг “*Экологик мавзудаги журналистик материаллар самарадорлигининг рейтинг кўрсаткичлари*” деб номланган учинчи параграфда Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ёритаётган ОАВ материаллари самарадорлигини ўлчашда рейтинг кўрсаткичлари ўрганилган. Рейтинг (ингл. *rating*) – маълум бир объект ёки ҳодисанинг муҳимлигини кўрсатиб берувчи миқдор ёхуд тартиб кўрсаткичидир<sup>37</sup>. ОАВ ҳолатида рейтинг қуйидагича аниқланади:

<sup>37</sup> Рейтинг: понятие и виды. Роль рейтингов и их использование. <https://studfile.net/preview/2839480/page:3/>

-интернет ОАВда сайтга кираётганлар сони; материал ўқувчилари сони;  
-матбуотда: газета ёхуд журналнинг обуначилари сони;  
-телевидение ва радиода теле ва радиодастурларнинг томошабин ва радиотингловчилар ўртасида оммабоплиги:

-блоглар ва ижтимоий тармоқлардаги канал, саҳифалар обуначилари сонининг кўплиги.

Хорижда ОАВ рейтинги GRP (Gross Rating Point), яъни ОАВнинг мамлакат аҳолисини қамраб олиши билан ҳисобланади. Шунингдек, TRP (Target Rating Point) тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, бу ОАВнинг ўз мақсадли аудиториясини қамраб олиш кўрсаткичидир <sup>38</sup>. Ўзбекистон ОАВда чоп этилаётган материалларнинг рейтингини аниқлаш билан шуғулланадиган махсус ташкилотлар йўқ. Фақатгина бундан бир неча йил олдин ташкил этилган “Kantar Media Uzbekistan” номли ташкилот давлат ва нодавлат телеканалларининг рейтинг кўрсаткичларини республика бўйлаб мингга яқин хонадонга махсус қурилмалар ўрнатиб, рейтинг ана шу хонадонларда қайси телеканаллар томоша қилинишига қараб аниқлайди. Аммо ташкилот эълон қилиб борадиган рейтинг кўрсаткичларини тўла очик усуллари ҳақида маълумот бермасликлари сабабли, айрим соҳа мутахассислари уларнинг маълумотларга ишончисизлик билан қарайдилар.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида “Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими” фаолият юритиб, унинг асосий вазифасига телекўрсатувлар рейтингини аниқлаш киради. Фақатгина Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон экологик партияси томонидан йиллик ҳисобот доирасида ОАВда эълон қилинган материаллар мониторинг қилинади ва ҳисоботда уларнинг сони эълон қилинади.


Илмий тадқиқотимиз доирасида юқоридаги жавдал натижаларидан келиб чиққан ҳолда биз мустақил равишда экологик мавзуларни ёритаётган интернет ОАВ рейтингини аниқлашга ҳаракат қилдик. Эслатиб ўтамиз, унда 6978 нафар респондент қатнашди. Натижалар қуйидагича намоён бўлди:



Диаграммадан кўришиб турибдики, респондентларнинг фикрича, атроф-муҳит муҳофазасини ёритишга ихтисослашмаган, аммо экологик масалаларни

<sup>38</sup> Рейтинг: понятие и виды. Роль рейтингов и их использование. <https://studfile.net/preview/2839480/page:3/>

кенг ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари ичида kun.uz ахборот-таҳлилий портали етакчилик қилмоқда. Энг кам ёритгани uznews.uz бўлиб, янгиликлар сайти асосан табиат муҳофазасига бағишланган барор тадбир бўлсагина уни ёритиб келмоқда.



Сўровномада берилган ва тадқиқотимиз учун муҳим бўлган саволлардан яна бири “Экологик муаммолар қайси жанрда ёритилса, уларга нисбатан ижтимоий онг шаклланиб, муаммолар ечими топилади?” эди. 6978 нафар сўровнома қатнашчиларидан 2011 нафари энг самарли жанр сифатида ижтимоий роликни танлашган. Жамиятда экологик онгни шакллантиришда яна муҳим жанрлардан бири - бу журналист суриштирувидир (1686). Учинчи ўринни мақола (1081), тўртинчи ўринни эса репортаж (759) эгаллаган. Сўровномада берилган ва тадқиқотимиз учун муҳим бўлган саволлардан яна бири “Экологик муаммолар қайси жанрда ёритилса, уларга нисбатан ижтимоий онг шаклланиб, муаммолар ечими топилади?” эди. 6978 нафар сўровнома қатнашчиларидан 2011 нафари энг самарли жанр сифатида ижтимоий роликни танлашган. Жамиятда экологик онгни шакллантиришда яна муҳим жанрлардан бири - бу журналист суриштирувидир (1686). Учинчи ўринни мақола (1081), тўртинчи ўринни эса репортаж (759) эгаллаган.



Юқорида келтирилган жадваллар албатта нисбий, чунки экология масалаларини ёритаётган оммавий ахборот воситаларининг аудиторияси анча кенг. Ушбу жадвалларда келтирилган маълумотлар эса фақатгина сўровномани тўлдирган респондентлар сонидан келиб чиққан.

## ХУЛОСА

Диссертация ишида амалга оширилган тадқиқот натижалари асосида куйидаги илмий хулосалар олинди:

✓ оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган экологик муаммолар Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг шаклланишда муҳим роль ўйнамоқда;

✓ экологик йўналишдаги давлат нашрлари билан тенгма-тенг равишда нодавлат нашрлар таъсис этилди ва уларнинг мунтазам чоп этилиши йўлга қўйилди;

✓ оммавий ахборот воситалари тўғридан-тўғри ёки қисман экологик муаммолар, воқеа ва ҳодисаларга ижтимоий муносабатни, аксарият ҳолатда уларнинг фуқаролик позициясини шакллантиради, ҳаракат қилишга ундайди;

✓ экологик журналистика жамиятда ижтимоий, хусусан экологик назоратни амалга ошириб, унинг мониторинги, маъмурий органлар фаолиятини баҳолаш, экологик муаммоларни бартараф этишда қонунчилик ҳужжатларини илгари суриш вазифасини ҳам амалга оширади;

✓ тадқиқ этилган 10 йил ичида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган давлат ва нодавлат экологик ташкилотлар томонидан амалга оширилган тадбирлар ҳақида газета, журнал, телевидение, радио, онлайн ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чоп этилган журналистик материаллар, танловлар, акциялар, конференциялар, учрашувлар, давра суҳбатлари натижасида аҳолини мавжуд экологик муаммолардан хабардор қилиш, фуқароларни уларни бартараф этишга жалб қилиш сезиларли даражада ошди;

✓ экологик йўналишдаги ОАВ ўз фаолиятини йўлга қўйишда халқаро тажрибаларга (жумладан, АҚШ, Россия, Қозоғистон, Англия, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг тажрибаларига) таяниб иш тутиши мақсадга мувофиқ. Бунинг учун халқаро экологик журналистикасининг тараққиёт тенденциялари борасидаги ўзгаришлардан мунтазам хабардор бўлиб бориш керак;

✓ экологик журналистика жанрлари орасида ахборот ва таҳлилий жанрлар етакчилик қилади. Шунингдек жанрларнинг ўзаро интеграцияси кўзга ташланади. Интернет ОАВда эса кўпроқ экологик мавзуда визуализацияга бой бўлган ва масалани аудиторияга “халқчил” тил билан етказиб бера оладиган интернет журналистика жанрлари – лонгрид, сторителлинглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

✓ Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ёритишда кўпроқ ахборот жанри туркумига кирувчи янгилик, хабар, интервьюлар, шунингдек таҳлилий жанрлардан корреспонденция, мақола кенг тарқалган. Аммо айнан экологик муаммони кўтаришда репортаж ҳамда журналистик суриштирув жанрлари камдан-кам ҳолатда ишлатилади;

✓ экологик фейкларга қарши курашишда медиасаводхонлик асослари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, тўғри ва ёлғон ахборотни бир-биридан ажрата олиш, ғаразли мақсадларда фейкларни тарқатаётганлар қармоғига илинмаслик учун ижтимоий тармоқлар фойдаланувчилари юқоридаги қонун нормаларини билиб қўйиши фойдадан холи эмас. Бу тўғри маълумот тарқатиш масъулиятини ошириш билан бирга турли фейклардан ҳимояланиш воситаси ҳамдир. Журналистлар ва блогерлар ҳам олинган фактларни эълон қилишда уларнинг тўғрилигини текшириб қўриши, аҳоли ишончини суистеъмол қилишдан эҳтиёт бўлишлари мақсадга мувофиқ.

*Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон экологик сиёсатининг миллий оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилишини ўрганиш жараёнида мазкур соҳада қатор муаммолар мавжудлиги аниқланди:*

1. Республика оммавий ахборот воситалари Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини талаб даражасида кенг ва муфассал ёритмаяпти. Диссертацияда таҳлил этилган журналистик материалларнинг аксарияти депутатлар, эколог-мутахассислар томонидан ёзилган. Янгиликлар сайтларида эса асосан ҳукуматнинг мазкур мавзуда қабул қилинган ҳужжатлари шарҳсиз, қисқа хабарлар шаклида берилади. Табиийки, ўқувчиларга ахборотни бу кўринишда етказиш уларнинг мамлакатимиз экологик сиёсатини тушунишига ёрдам бермайди, аҳолининг экологик онгини шакллантиришга ҳисса қўшмайди;

2. Бугунги кунда мамлакатда оммалашган янгиликлар сайтларида бевосита экологияга оид алоҳида рукнлар кам. ОАВ олдида турган долзарб вазифа экология ҳамда барқарор ривожланиш мавзусидаги рукнларни, теле-, ва радиодастурларни кўпайтиришдан иборат. Экологик журналистика нисбатан тор ихтисослашув экани ҳам ушбу муаммонинг долзарблигини оширади.

3. Диссертацияда таҳлилга тортилган ижтимоий тармоқлардаги канал ва саҳифаларнинг сони ва фаолияти талабга жавоб бермайди. Уларнинг мазмунининг таҳлили шуни кўрсатдики, кўпроқ ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларини дарахтларнинг кесилиши, чиқинди, браконьерлик ва бошпанасиз ҳайвонлар тақдири, атмосферанинг ифлосланиши қизиқтириб, кўрикҳоналар фаолияти, муқобил энергия, иқлим ўзгариши оқибатлари, ерларнинг деградацияси, сувдан фойдаланиш муаммолари деярли ташвишлантирмайди.

4. Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ОАВ ўз зиммасига юклатилган вазифани тўлиқ бажармаяпти. Бунинг асосий сабаби журналистларда экологик билимнинг етишмаслиги, экологик муаммоларнинг нақадар долзарблигини тушунмаслик ёки уларга юзаки қарашдир.

5. Республикамиздаги бирорта олий ўқув юртида экожурналистлар тайёрланмайди. Журналистика факультетларида мазкур соҳа алоҳида

йўналиш сифатида ўқитилмайди. Фақатгина Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида бакалавриятнинг

3-босқичида, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университетида ва Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетида 2-босқичда танлов фан сифатида, ярим семестр давомида ўқитилади холос.

6. Ўзбекистондаги экологик ташкилотларнинг ОАВда кенг ёритилмаётганлигининг асосий сабабларидан бири мавжуд ахборот хизматлари жамоатчилик билан алоқаларни ўрнатиш ва ташкилотлар фаолиятининг имижини шакллантириш салоҳиятига етарлича эга эмаслиги, ўз навбатида экологик йўналишга ихтисослашган журналистлар кам бўлиб, мавзунинг долзарблигини аксарият ОАВ вакиллари ҳамон охиригача англаб етмаганлигида кўринади.

7. Ўзбекистон Республикасининг экологик соҳада Марказий Осиё ва хорижий мамлакатлар билан амалга ошираётган ҳамкорлигининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши етарли эмас. Аксарият ҳолатда ижобий ҳолатлар эълон қилиниб, хорижий оммавий ахборот воситаларида бот-бот берилаётган “салбий” томонлар ёритилмаяпти.

8. Telegram ижтимоий тармоғида Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ёритишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда Экологик партия ва унинг вилоят бўлимларининг каналлари мавжуд. Уларда фуқаролар томонидан яратилган каналларнинг мавжудлиги бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган экологик жараёнларга ташаббускор аҳоли қатламининг бефарқ эмаслигини кўрсатади.

9. Аксарият тахририят бош муҳаррирлари экологик мавзуни устувор ва зарур деб билишмайди. Аудитория қизиқишини аниқлаш учун сўровномалар ўтказилмайди. Мавзунинг аудиторияга қизиқлиги, экологик масалалар бевосита инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлиб, уни ёритиш аҳолида экологик онгни шакллантириб, кўпгина экологик муаммоларнинг олдини олиш ва бартараф этишга хизмат қилишини муҳаррирлар тушуниб етганларича йўқ.

10. “Ўзбекистон экологик сиёсатининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши” мавзусида ўтказилган сўровномадан маълум бўлишича, респондентларни бугунги кунда юқоридаги бобларда санаб ўтилган барча экологик муаммолар ташвишга солади. Аммо шу билан биргаликда, мазкур муаммолар ва экологик ташкилотларнинг оммавий ахборот воситалари ва блогларда ёритилиши етарли эмас.

11. Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатини ёритишда оммавий ахборот воситалари ролини баҳолашда асосий камчиликлардан

бири – экологик муаммоларнинг ўз вақтида ёритилмаслигида намоён бўлади. Мавзуни аудиторияга етказишда телевидение, радио тахририятларида материалларнинг рейтинги ўлчанмайди. Интернет оммавий ахборот воситаларида ҳам фақатгина рекламани жалб этишдан ташқари, рейтинг кўрсаткичлари деярли инобатга олинмайди.

12. Аудиторияга Барқарор ривожланиш мақсадларининг вазифаларини атрофлича тушунтириб берувчи тахлилий материаллар жуда кам. Мавжудлари ҳам асосан мутахассислар томонидан ёзилган ва экологик ва халқаро ташкилотларнинг сайтларида берилган, холос.

*Юқорида қайд этилган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда тадқиқот жараёнида ўрганилган назарий билимлар ва амалий кўникмалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.*

1. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати борасидаги ахборот ва маълумотларни кўпроқ, тахлилий тарзда бериш, бугун нафақат Ўзбекистон, балки бутун халқаро ҳамжамиятга хавф солаётган экологик муаммолар ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш имконини беради. Ўз навбатида, иқлим ўзгариши, ҳавонинг ифлосланиши, сув етишмовчилиги, чўлланиш, дарахтларнинг кесилиши охир-оқибат инсониятнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши, очлик, касалликларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида нафақат экологлар ва экожурналистлар, балки барча ОАВ ходимлари бонг уриши лозим.

2. Экологик йўналишдаги ҳужжатларнинг шарҳи билан берилиши, кўп ҳолларда республикадаги мавжуд экологик муаммоларнинг олдини олиш имконини берган бўлар эди. Бу ўқувчиларга ахборотни етказишда уларнинг мамлакатимиз экологик сиёсатини тушунишига ёрдам бериб, аҳолининг экологик онгини шакллантиришга ҳисса қўшишига аминмиз.

3. Экология мавзусида қалам тебратадиган журналистлар ва блогерлар ўз маҳоратларини соҳа вакиллари учун ўтказиладиган тренинглар, семинарлар ва медиатурларда оширади, холос. Шу сабабли, Олий журналистика курслари негизида бевосита амалиётчи журналистлар учун экологик журналистика бўйича билим ва маҳоратини оширувчи қайта тайёрлаш курсларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

4. Фақат янгиликлар сайтларида ва Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг сайтларида Барқарор ривожланиш мақсадлари бўйича қабул қилинган ҳужжатларга муносабат ва акс-садолар мавжуд. Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш учун оммавий ахборот воситаларида мавзуни кенг ёритиш, ҳар бир мақсадни тушунтириб бериш, мутахассислар билан учрашувлар, интервьюлар ташкил этиш, ижтимоий роликлар тайёрлаш лозим.

5. Бугунги кунда мамлакатда оммалашган янгиликлар сайтларида бевосита экологияга оид алоҳида рукн бўлмаганлигининг ўзи ҳануз Ўзбекистон журналистларининг экологик муаммолар нақадар долзарблиги, экология бевосита инсон ҳаётининг асосини ташкил этишини тушунмаганлигида кўринади. ОАВ олдида турган долзарб вазифа экология ҳамда барқарор ривожланиш мавзусидаги рукнларни, теле ва радиодастурларни кўпайтиришдан иборат. Экологик журналистикага ихтисослашувни янада кенгайтириш чораларини зудлик билан кўриш мақсадга мувофиқдир.

6. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг журналистика факультетларида экологик журналистика соатларини кўпайтириш, фанни асосий йўналиш даражасига олиб чиқиш бўлажак журналистларнинг экологик мавзуларга ихтисослашига имкон беради.

7. Экологик фейкларни бартараф этиш, экологик журналистиканинг миллий журналистика негизидаги нуфузини ошириш учун ОАВ вакиллари ишончли манбаларга таянган ҳолда ахборотни узатишлари, фактларни қайта текширувчи фактчекнинг платформалардан самарали фойдаланишлари зарур.

8. Ўзбекистон Республикасида экологик сиёсатини ёритишда ОАВнинг ролини баҳолаш, аудиториянинг экологик муаммоларга муносабатини билиш, мавзунини ёритишда кўтарилаётган масалаларнинг ўқувчиларга таъсирини ўрганишда телевидение, радио таҳририятларида материалларнинг рейтингини аниқлаш учун замонавий медиаметрия инструментларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

9. Тадқиқот жараёнида экология соҳасида халқаро сиёсий ва ахборий ҳамкорлик масалаларини миллий ОАВда кенг ёритиш, халқаро экологик ҳамкорликнинг оммавий ахборот воситаларида ахборий ва таҳлилий жанрларда бериш, мазкур йўналишда Ўзбекистоннинг экологик сиёсатини ёритиш республикамизнинг халқаро майдонда ижобий имижини шакллантиришга имкон беради.

10. Журналистларнинг ижтимоий тармоқларда ишлаш тамойилларини ишлаб чиқиш лозим. Бу ижтимоий медиадан аккаунт эгалари ўз фикрларини билдириш манбаи сифатида фойдаланиши, нашрларда акс эттириш учун жамоатчилик фикрини ўрганиши, журналист суриштируви ўтказиш мақсадида муҳокамалар ва ахборот тизгини мониторинги учун қурол сифатида фойдаланиши имконини беради.

11. Аудиторияга самарали таъсир қилиш учун журналистлар нафақат экологик муаммоларни кўтаришлари, экспертлар фикрини беришлари, балки уларни кўпроқ визуаллаштиришлари, инфографика, сторимепс, жадваллар орқали аудиторияни мавзуга жалб этишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

12. Аҳолининг мавжуд экологик муаммолар ҳақидаги бохабарлигини ошириш ва экологик маданиятини шакллантириш учун муаммоларнинг олдини олишга чақирувчи ижтимоий экологик видеороликлар тайёрлаб, ТВ каналларида прайм-тайм вақтида бериш, ОАВнинг барча турларида албатта экологик рукнлар ташкил этиш, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тасарруфида бевосита Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси мавзусига ихтисослашган телеканал ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

13. Аҳолининг экология муаммоларни бартараф этишда ижтимоий ташаббусларини фаоллаштириш учун оммавий ахборот воситалари орқали кродусорссинг ва краудфандинг усулларида кенг фойдаланиш зарур.

14. Журналистларнинг экология мавзусидаги ихтисослашувини чуқурлаштириш, бунинг натижасида уларнинг малакасини ошириш, ўқув семинар-тренингларни мунтазам амалга ошириш билан бирга, ушбу мавзунини ёритишда ОАВ таҳририятлари ўз концепцияларини ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқ.

15. «Oltin qalam» халқаро танлови доирасида «Экологик муаммоларни ёритишдаги энг яхши журналистик материал учун» номинациясини таъсис этиш тавсия қилинади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
PHD.30.08.2018.FIL.14.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
